# XALQ DEPUTATLARI UYCHI TUMANI KENGASHINING

# Q A R O R I

2022 - yil 21 - fevral VI-48-28-6-86-K/22 Uychi tuman hokimligi

**Уйчи туманида 2022 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун базавий солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2022 йил 2 февралдаги “Наманган вилояти бўйича қишлоқ хўжалгигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида”ги VI-29-6-6-0-K/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Уйчи тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

- туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари

асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

- туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2022 йил 2 февралдаги VI-29-6-6-0-К/22-сонли қарорига мувофиқ 2022 йил учун:

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Уйчи туманида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ ўлчамда 23.275 минг сўм;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) Уйчи туманида базавий солиқ ставкаси 1 кв.м. учун мутлақ ўлчамда 209,6 сўм миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Уйчи тумани ҳудудларининг иқтисодий ривожланганлик даражасига қараб, солиқ юкини келгуси йилда кескин ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2022 йил 2 февралдаги VI-29-6-6-0-К/22-сонли қарорида белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан:

юридик шахслар учун 1-иловага мувофиқ;

жисмоний шахслар учун 2-иловага мувофиқ камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилансин.

4. Уйчи тумани давлат солиқ инспекцияси (Х.Бобаев) ер солиғи бўйича тасдиқланган мазкур солиқ ставкаларини барча солиқ тўловчиларга етказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча заҳираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб бориш вазифалари топширилсин.

5. Туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Бобаев) туман молия бўлими (А.Махмудов) ва “Уйчинома” газетаси (М.Қамбаров) билан биргаликда ушбу қарор 1, 2-иловаларига мувофиқ солиқ ставкалари, солиқ солиш тартиб-таомиллари ҳамда соҳага оид бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

6. Халқ депутатлари Уйчи тумани Кенгашининг 2022 йил 7 январдаги “Уйчи туманида 2022 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун базавий солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги VI-45-3-6-86-К/22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор “Уйчинома” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Tuman hokimi** **Sh.Musayev**

Халқ депутатлари Уйчи туман
Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-48-28-6-86-К/22-сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

*(минг сўмда)*

| Т/р | Худуд номи | МФЙ лар номи | Наманган кенгашининг ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун) | Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача) | Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун ) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Уйчи тумани | Овчи булоқ | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 2 | Уйчи тумани | Обод | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 3 | Уйчи тумани | Ўнхаят | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 4 | Уйчи тумани | Истиқлол | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 5 | Уйчи тумани | Кўрғонча | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 6 | Уйчи тумани | Паст гузар | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 7 | Уйчи тумани | Гулбоғ | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 8 | Уйчи тумани | Соку | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 9 | Уйчи тумани | Гулзор | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 10 | Уйчи тумани | Умид | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 11 | Уйчи тумани | Мевазор | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 12 | Уйчи тумани | Иттифоқ | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 13 | Уйчи тумани | Ғайрат | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 14 | Уйчи тумани | Олмурут | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 15 | Уйчи тумани | Бояғон | 23 275 | 0.90 | 20 948 |
| 16 | Уйчи тумани | Қувурбоши | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 17 | Уйчи тумани | Машад | 23 275 | 1.01 | 23 508 |
| 18 | Уйчи тумани | Қашқар | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 19 | Уйчи тумани | Кескан ёр | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 20 | Уйчи тумани | Деҳқонобод | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 21 | Уйчи тумани | Гумбаз | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 22 | Уйчи тумани | Ёркатай | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 23 | Уйчи тумани | Мирзаровот | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 24 | Уйчи тумани | Исломобод | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 25 | Уйчи тумани | Чуртук | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 26 | Уйчи тумани | Файзиобод | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 27 | Уйчи тумани | Хўжаобод | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 28 | Уйчи тумани | Янги чек | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 29 | Уйчи тумани | Боғ кўча | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 30 | Уйчи тумани | Оқтош | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 31 | Уйчи тумани | Тошлоқ | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 32 | Уйчи тумани | Муборак | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 33 | Уйчи тумани | Тепасарой | 23 275 | 0.85 | 19 784 |
| 34 | Уйчи тумани | Боғ | 23 275 | 1.01 | 23 508 |
| 35 | Уйчи тумани | Беруний | 23 275 | 1.01 | 23 508 |
| 36 | Уйчи тумани | Ҳуррият | 23 275 | 1.01 | 23 508 |
| 37 | Уйчи тумани | Шифокор | 23 275 | 1.01 | 23 508 |
| 38 | Уйчи тумани | Навоий | 23 275 | 1.01 | 23 508 |
| 39 | Уйчи тумани | Хожиобод | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 40 | Уйчи тумани | Дўстлик (Ровот) | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 41 | Уйчи тумани | Зиёкор | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 42 | Уйчи тумани | Мустақиллик | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 43 | Уйчи тумани | Хизиробод | 23 275 | 0.73 | 16 991 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 44 | Уйчи тумани | Эзгулик | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 45 | Уйчи тумани | Қахрамон | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 46 | Уйчи тумани | Янгиер | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 47 | Уйчи тумани | Янгихаёт | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 48 | Уйчи тумани | Деҳқон | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 49 | Уйчи тумани | Бўстон | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 50 | Уйчи тумани | Дахяота | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 51 | Уйчи тумани | Дўстлик | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 52 | Уйчи тумани | Гулистон | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 53 | Уйчи тумани | Шафтоли | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 54 | Уйчи тумани | Баландариқ | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 55 | Уйчи тумани | Қумтепа | 23 275 | 0.73 | 16 991 |
| 56 | Уйчи тумани | Юксалиш | 23 275 | 0.73 | 16 991 |

Халқ депутатлари Уйчи туман
Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-48-28-6-86-К/22-сон қарорига
2-илова

**Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

***(сўмда)***

| Т/р | Ҳудуд номи | МФЙ номи | Наманган кенгашининг ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун) | Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача) | Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 кв. учун) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Уйчи тумани | Овчи булоқ | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 2 | Уйчи тумани | Обод | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 3 | Уйчи тумани | Ўнхаят | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 4 | Уйчи тумани | Истиқлол | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 5 | Уйчи тумани | Кўрғонча | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 6 | Уйчи тумани | Паст гузар | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 7 | Уйчи тумани | Гулбоғ | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 8 | Уйчи тумани | Соку | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 9 | Уйчи тумани | Гулзор | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 10 | Уйчи тумани | Умид | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 11 | Уйчи тумани | Мевазор | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 12 | Уйчи тумани | Иттифоқ | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 13 | Уйчи тумани | Ғайрат | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 14 | Уйчи тумани | Олмурут | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 15 | Уйчи тумани | Бояғон | 209.6 | 0.79 | 165.6 |
| 16 | Уйчи тумани | Қувурбоши | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 17 | Уйчи тумани | Машад | 209.6 | 0.90 | 188.6 |
| 18 | Уйчи тумани | Қашқар | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 19 | Уйчи тумани | Кескан ёр | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 20 | Уйчи тумани | Деҳқонобод | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 21 | Уйчи тумани | Гумбаз | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 22 | Уйчи тумани | Ёркатай | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 23 | Уйчи тумани | Мирзаровот | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 24 | Уйчи тумани | Исломобод | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 25 | Уйчи тумани | Чуртук | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 26 | Уйчи тумани | Файзиобод | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 27 | Уйчи тумани | Хўжаобод | 209.6 | 0.75 | 157.2 |
| 28 | Уйчи тумани | Янги чек | 209.6 | 1.07 | 224.3 |
| 29 | Уйчи тумани | Боғ кўча | 209.6 | 0.80 | 167.7 |
| 30 | Уйчи тумани | Оқтош | 209.6 | 0.80 | 167.7 |
| 31 | Уйчи тумани | Тошлоқ | 209.6 | 0.80 | 167.7 |
| 32 | Уйчи тумани | Муборак | 209.6 | 0.80 | 167.7 |
| 33 | Уйчи тумани | Тепасарой | 209.6 | 0.80 | 167.7 |
| 34 | Уйчи тумани | Боғ | 209.6 | 1.07 | 224.3 |
| 35 | Уйчи тумани | Беруний | 209.6 | 1.07 | 224.3 |
| 36 | Уйчи тумани | Ҳуррият | 209.6 | 1.07 | 224.3 |
| 37 | Уйчи тумани | Шифокор | 209.6 | 1.07 | 224.3 |
| 38 | Уйчи тумани | Навоий | 209.6 | 1.07 | 224.3 |
| 39 | Уйчи тумани | Хожиобод | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 40 | Уйчи тумани | Дўстлик (Ровот) | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 41 | Уйчи тумани | Зиёкор | 209.6 | 0.73 | 153.0 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 42 | Уйчи тумани | Мустақиллик | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 43 | Уйчи тумани | Хизиробод | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 44 | Уйчи тумани | Эзгулик | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 45 | Уйчи тумани | Қахрамон | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 46 | Уйчи тумани | Янгиер | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 47 | Уйчи тумани | Янгихаёт | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 48 | Уйчи тумани | Деҳқон | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 49 | Уйчи тумани | Бўстон | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 50 | Уйчи тумани | Дахяота | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 51 | Уйчи тумани | Дўстлик | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 52 | Уйчи тумани | Гулистон | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 53 | Уйчи тумани | Шафтоли | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 54 | Уйчи тумани | Баландарик | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 55 | Уйчи тумани | Қумтепа | 209.6 | 0.73 | 153.0 |
| 56 | Уйчи тумани | Юксалиш | 209.6 | 0.73 | 153.0 |